



Ушбу сонда:



"АМЕРИКАДА ҚОСМОҚЧИ ЭМАСМАН!"

Тагин ўша кунларнинг бирида катта ўғлим айтган гап ҳалигача ич-этимни ейди. Бир ойлар қишлоқда қолиб кетганимиздан кейин бир куни кечқурун ўғлим "Дада, бу ерда зерикиб кетдим. Қачон уйимизга кетамиз? Тезроқ кетайлик", деди.



ҲАЛОЛЛИК АСЛЗОДАЛИКДИР

ОТАСИ КИМУ, БОЛАСИ КИМ БЎЛАРДИ?

"Ойи ҳамма устимдан кулади. Дўстларим олдида бошим эгик. Отамга борлигим-у йўқлигим билинмайди. Бундай мураккаб ҳаётга қадам қўйишдан оёғим эмас, қалбим чарчади!"



Авангард Навоийшунос

Шухрат Сирожидиновнинг навоийшуносликка қўшган бирламчи ва энг муҳим ҳиссаси манбашунослик ва матншунослик муаммолари билан боғлиқ. У ўнлаб хориж тилидаги манбаларни қиёсий ўрганиш асосида Навоийнинг умумшарқ мумтоз адабиётида тутган оламшумул мақомини янги илмий ракурсда кўрсатишга эришди. Иккинчидан, анъанавий навоийшуносликдан "мерос" қолган Навоий биографияси билан боғлиқ жиддий кемтикликларни тўлдириди.



Биламизки, завқ билан ёзилмаган асар шавқ билан ўқилмайди. Чунки ўқирманнинг асарни ўзгача меҳр ва қунт билан ўқиши яратилган қимматини белгилайдиган ягона кўрсаткичдир. Аслида, муҳими асарнинг берилиб ўқилишида ҳам эмас, адабиёт ихлосмандларининг тафаккур ва кўнгил оламида инқилоб ясай олишида.



Ватан остонадан, инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқдан бошланади. Инсон туғилиб ўсган уйи, маҳалласи, қишлоғи, яқинлари — Ватан деган тушунчада мужассам. Унга муҳаббат эса, аввало, ота-она, ака-ука, ёру биродарларга ҳурмат-эҳтиромда намоян бўлади. Улғайиб вояга етган заминга меҳрли бўлиш, унинг ҳар бир ҳовуч тупроғини муқаддас, деб билиш, кўзга гўтиёдек суртиш, бир умр фарзандлик садоқати билан яшаш ҳар бир инсон учун ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланади.

“Ватанни севмоқ имондандир”, дейилади. Ушбу ҳикмат мазмундан элимиз инсон ўзи туғилиб ўсган юрти, ёр-дўстлари ва яқинлари билан боғловчи Ватанини севиши, уни ардоқлашини имон даражасига кўтариб, ватанпарварликдек фазилатнинг муқаддас маъно-мазмун ва юксак мақомга эгаллигини эътироф этганини англаш мумкин.

Бутун мусулмон оламига диний илмларни ўргатиб келган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Лайс Самарқандий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий, Қафқол Шоший каби буюк аждодларимиз ҳам Ватанга бўлган кучли муҳаббатлари туфайли ўзларининг тахаллусларини киндик қонлари тўкилган юрт номи билан боғлаганлари ҳам ана шундай эътироф ва эътиборнинг ўзига хос ҳаётий-амалий ифодаси ҳисобланади.

Юрт меҳри, она замин садоқатини жисму дилига жо этган, унинг эрки, озодлиги ва сарҳадлари дахлсизлигини ҳар нарсадан улуғ билган аждодларимиз ҳам Ватан муҳофазасини муқаддас билиб, уни кўз қорачиғидек асраб келишган.

Исломи оламида кенг тарқалган кубровия тариқатининг асосчиси, буюк аждодимиз Нажмиддин Кубронинг Ватан ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлиги ҳам бунинг ёрқин мисоли бўла олади. Минглаб муридларга эга тариқат пир-муршиди мўғуллар босқинидан хабар топиб биринчилардан бўлиб Ватан ҳимоясига отланади. Халқ орасидаги обрў-эътиборини назарда тутиб, мўғуллар ҳукмдори унга шаҳарни тарк этиш эвазига жонини сақлаб қолишни таклиф қилади. Ўз жонини сақлаб қолиш эвазига Ватанини ёвга топширишни ор билган аллома босқинчиларга қарши жангга киради ва мардларча, туғ кўтариб, лашкарни олға чорлаб бораётган ҳолатда шаҳид бўлади.

Маълумки, ҳар бир дин ўз издошларини миллати, ирқи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, бирдамликка, ўзаро яхшилик қилишга ундайди. Жумладан, ислом динидаги “жамоатдан ажралмаслик”, “одамларнинг яратган олдидаги тенглиги” ғоялари бунинг ёрқин мисолидир.

Қуръони карим “Рум” сураси 22-оятга кўра, одамларнинг тили ва рангидаги фарқлар Худонинг мўъжизаларидандир. Миллий ва диний ранг-баранглик ҳамда эътиқод эркинлигини қарор топтириш масаларида Қуръони карим бутунлай бағрикенглик руҳи билан сугорилган. Демак, дунёдаги турли-туманлик Яратганнинг иродаси ва ҳикмати билан боғлиқ. Аллоҳ дастлаб одамзодни бир уммат қилиб

яратганди, сўнгра уларни турли қабила, халқ ва динларга ажратди. Бундай ранг-барангликдан мақсад — умумий фаровонлик йўлида инсонлар бир-бирлари билан мусобақа қилмоқлари даркор.

Қуръони карим бу дунёни барча халқ

— исломнинг энг юксак ғояси бўлган тинчликни тарғиб қилиш ва инсонлар хавфсизлигини таъминлаш;

— инсон шайнини улуғлаш ва унинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;

— ўзгаларни динга мажбурламаслик ва уларга нисбатан адолатсиз бўлмаслик.

Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида қадим даврлардан турли маданият, тил, урф-одат, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилган халқлар яшаб келган. Ўзбекистоннинг жуғрофий-сиёсий нуқтаи назардан муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар қилга-

сифатида бугунги кунда ҳам юртимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ва ўндан ортиқ диний конфессияга эътиқод қилувчи шахслар бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ бўлиб яшаб келмоқдалар. Уларнинг урф-одатлари, анъана ва қадриятларининг ривожланиши, таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаолият кўрсатишида мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик, айниқса, тинчликсевар халқимизнинг бағрикенглиги муҳим омил бўлмоқда. Миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, миллий қадриятларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш

ҳамда миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга ташкилий ва услубий ёрдам беришни йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январдаги қарори билан Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилган. Натижада, 1991 йилда бор-йўғи 10 та атрофида бўлган миллий-маданий марказлар сони бугунги кунга келиб 150 тага яқинлашди. Улар ўзлари мансуб бўлган этноснинг тили, маданияти, урф-одатлари, анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, миллатлараро муносабатларда уйғунликни таъминлашга муносиб


ҳисса қўшиб келмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан фуқаролар тотувлиги барқарорлигини, турли миллатлар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга, ватандошларимиз онгида кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришга, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтириш борасида кўплаб самарали ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2017 йил 19 май куни Президентимизнинг “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармони имзолади. Унга кўра, Республика байналмилал маданият маркази ва дўстлик жамиятларининг негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро

муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди.

Бу эса, юртимизда яшаётган турли дин ва миллат вакилларининг ўз диний эътиқодларини эмин-эркин амалга оширишлари ва диний бағрикенгликни таъминлашга қаратилаётган тадбирлар жумласига киради. Қувонарли жиҳати шундаки, бу амалий ишлар диний барқарорлик, конфессиялараро самимий ва дўстона муҳитнинг вужудга келиши ва энг асосийси юртимиздаги тинчликнинг барқарор бўлишига сабаб бўлмоқда.

Жамолiddин КАРИМОВ,
Имом Мотуридидий халқаро
илмий-тадқиқот маркази
бўлим бошлиғи



— миллат учун бир тану бир жон дегани

ва дин вакиллари тинч-тотув яшайдиган замин, деб эълон қилди. Умуман олганда, Қуръони каримнинг эликдан ортиқ сурасидаги юзлаб оятларда мусулмонлар мўмин-қобиллик, тинчликпарварлик ва бошқа эътиқод вакилларига нисбатан бағрикенгликка даъват этилганлар. Демак, ислом дини азалдан инсониятга асл мурувватни, ҳатто ўзга дин вакилларига эҳтиром ҳамда бағрикенглик билан муносабатда бўлишни ўргатиб, улар билан тинч-тотув яшашга, фитна ва турли адоватларга барҳам беришга чақирган.

Қайд этиш лозимки, инсоният тарихи диннинг уюштирувчилик ва йўналтирувчилик қудратидан ғаразли мақсадларда фойдаланилганда у миллий ва диний асосдаги адоватларга замин яратиб, улкан салтанатларнинг инқирозга юз тутиши ва парчаланишига сабаб бўлганидан гувоҳлик беради.

Таассуфки, бугунги кунда ҳам диндан ўзаро адоват уйғотиш ва айирмачилик мақсадида фойдаланишга уринаётган кучлар мавжуд. Бунда улар миллатлараро адоват уйғотиш, асрлар оша бир ўлкада яшаб келган турли халқлар ва дин вакиллари орасида низо уруғини сочиш орқали мамлакатдаги ижтимоий вазиятни беқарорлаштириш ва шу йўл билан давлат ҳокимиятини қўлга киритишдек манфур мақсадларни кўзлаб иш олиб бормоқдалар. Жумладан, диний-экстремистик ташкилотлар жамиятни “мусулмон” ва “номусулмон — кофирлар”га бўлиш орқали миллатлараро ва динлараро адоват уйғотишга уринмоқда.

Исломи олами лигасининг “Исломида тинч-тотув яшаш” мавзусидаги конференциясининг Якуловчи баёнотида қуйидагилар келтирилади: “Исломи дини барча миллат, халқ ва давлатлар ўртасида тинч-тотув яшашга буюради ва қуйидагиларни муҳим деб ҳисоблайди:

ни диний ва маданий ҳаётга катта таъсир кўрсатган. Ўз навбатида бу ерда яшаган туб аҳолининг маданияти ҳам уларга таъсир ўтказган ва ўзига хос турмуш тарзини шакллантиришда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилган.

Асрлар мобайнида ўлкаимизнинг шаҳару қишлоқларида масжид, черков ва синагогалар эмин-эркин фаолият кўрсатиб, турли миллат ва динга мансуб қавмлар ҳамжиҳатликда ўз диний маросимларини адо этиб келганлар. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар ўртасида диний асосда можаролар бўлмаган. Бу борада Президентимиз таъкидлаганлари-

Маълумки, ҳар бир дин ўз издошларини миллати, ирқи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, бирдамликка, ўзаро яхшилик қилишга ундайди. Жумладан, ислом динидаги “жамоатдан ажралмаслик”, “одамларнинг яратган олдидаги тенглиги” ғоялари бунинг ёрқин мисолидир.

дек: “Маълумки, бизнинг қадимий ва саховатли заманимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади”. Бу эса, миллати ва диний қарашидан қатъий назар, инсонни ардоқлаш ва ўзгаларни қадрлаш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш каби туйғулар ўлка аҳолисининг қон-қонига сингиб кетганидан далолат беради. Айнан шу сифатлар халқимизга хос бўлган диний бағрикенгликнинг маънавий асосини ташкил қилади.

Бой тарихий тажрибанинг давоми

Айни бир ҳужжат билан ёки бир вақтнинг ўзида ерни олиб қўйиш, захирага олиш, бошқа шахсга ажратиш тақиқланади.

Сўнгги 4 йилда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлаш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, иқтисодий фаолиятда эркинликни таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги моддий ва процессуал нормаларни такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар натижасида Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичлари ошиб бормоқда.

ҲАЛОЛЛИК АСЛЗОДАЛИКДИР



ёхуд коррупцияга қарши ҳикматлар сергак торттирмайдими?

“Transparency International” халқаро ноҳукумат ташкилотининг 2020 йилги “Коррупцияни идрок этиш индекси” рейтингиди Ўзбекистон 180 давлат орасида 26 балл билан 146-ўринни эгаллаб, 7 поғонага кўтарилди. Икки йил аввал худди шу кўрсаткич бўйича мамлакатимиз 158-ўринда эди.

Ҳа, бугун мамлакатимиз яширин иқтисодий ва коррупция томирини қирқиш учун ялпи либераллаштириш йўлидан бормоқда. Ўзбекистон иқтисодий эркинлаштирилмоқда: кичик бизнесга назорат юки пасайтирилмоқда, баъзи назорат ташкилотларидаги бюрократик оврагарчиликларга барҳам берилмоқда, молия, солиқ ва божхона тизимлари, хусусий бизнесни ҳукуматдан ҳимояловчи қонунлар такомиллаштирилмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “сафларимиз ва кадрларимизнинг софлигини таъминлаш, ишдаги ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва бундай иллатларнинг илдизини қуриштириш” борасида барча тузилмалар фаолияти қайтадан кўриб чиқилаётган бир пайтда давлат хизматчиларининг номақбул ҳаракатлари, мансаб ваколатини суистеъмол қилишига доир ҳолатлар жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама қилинаётгани давлат органларининг обрўсига путур етказмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, 2017 йилда 2881 нафар, 2018 йилда 1907 нафар, 2019 йилда 1339 нафар ва 2020 йилда 1720 нафар мансабдор шахснинг жиноий жавобгарлиги масаласи кўрилган. 2017-2020 йилларда мансабдор шахсларнинг жиноятлари оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 3 триллион 53 миллиард сўм миқдориди моддий зарар етказилган, тергов жараёнида бу зарарнинг 2 триллион 750 миллиард сўми ёки 90 фоизи ундирилган.

Шу ўринда, XX аср ўзбек адабиётининг забардаст вакили, академик Мусо Тошмуҳаммад ўли Ойбекнинг “Навой” (1944) романига мурожаат қилсак: “Хусайн Бойқаро баъзи давлат арбобларининг аллақандай хоҳишлари ҳам хазинани тўлдирмоқ учун қандайдир ўзга чоралар кўриш кераклиги ҳақида Алишер Навоийга ишорат қилди.

— Баланд ҳимматли, баҳодир бекларнинг заб бўлгани каби давлат дарахтининг гулларини бало қуюнидек совурмоқчи бўлган махлуқлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг ҳар бири шаҳарларга, вилоятларга кўз тикур, диллари элга, давлатга садоқат, муҳаббат билан эмас, олтин-кумуш дарди билан ориган. Кийимлари, идиш-товоқлари олтин-кумуш бўлишига қаноат қилмайдилар; этикларининг нағали ҳам олтиндан бўлса!.. Хазина давлат учун

бадандаги қон каби зарурдир. Аммо бир ёқдан, тўпланмоқ, иккинчи ёқдан, совурмоқ билан хазина тузиб бўлмас. Барглари совурган шамол асло Ҳотамтой ҳисобланмас. Ҳотамтойликни билиб қилмоқ лозим. Ёмғирни қуриб қақшаган боққа эмас, элтиб тоққа қўйган булутни сахий, дейилмас. Даставвал хазинани эл манфаати учун тўкмоқ керак. Зиротни, ҳунар ва санъатни ривожлантирмоқ, тижоратга эътибор бермоқ керак. У вақт, масалан, ҳалол меҳнат қилган деҳқоннинг омбори ҳосилга тўлгани каби, хазинангиз ҳам зарга тўлур. Ўзга чоралар билан хазина бойитмоқ оқилона ҳаракат эмаслиги ҳар ким учун равшан”.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий-

билимли, ҳалол пудратчи ва қурувчилар амалга оширган қурилишлар аҳоли фаровонлиги, тинч-тотувлиги ва маданияти ривожланишига хизмат қилади. Эътибор беринг, ўтган асрнинг 80-90-йилларида Нью-Йорк шаҳри полицияси томонидан юқори даражадаги жиноятчилик қайд этилган ҳудудларда жиноятчиликни камайтириш учун ўша ҳудудларнинг ижтимоий объектларини қайта реконструкция, реновация қилиш, инфратузилмасини қайта тиклаш, бинолардаги “граффити”ларни тозалаш ва кўчаларни ёритиш тadbирлари қўлланилган ва бу стратегия 10 йил ичида жиноятчиликни 56 фоизга камайтирган.

Президентимизнинг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида

руപ്പия бошқа соҳаларда коррупция пайдо бўлиши турлари ва шакллари-нинг манбаи ҳисобланади. Бу тизимдаги коррупциянинг хавфлилиги шундаки, нафақат ўқувчилар, балки педагог ходимлар коррупциялашган ташкилотда билим олган мутахассис коррупцион битимга киришишга тайёр кадр бўлиб шаклланишини унутмаслик керак.

БМТ коррупциянинг инқироз даврида ривожланиб боришини, ҳамон давом этаётган глобал пандемия ҳам бундан мустасно эмаслигини қайд этди. Дунё мамлакатлари COVID-19нинг олдини олиш, беморларни даволаш ва пандемия оқибатларини юмшатиш бўйича чоралар кўрди. Тиббий асбоб-ускуналарни сотиб олиш, фуқаролар ва корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун зудлик билан миллиардлаб маблағлар жалб қилинди.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида “...жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз”, деганида айни ҳақиқатни айтган эди. Зеро, фуқароларнинг маънавий оламини асрашга йўлдош бўладиган ўлмас кадрятлар – имон, инсоф, диёнат, эътиқод, ҳалоллик, адолат каби чин инсоний фазилатларгина юксак марраларга эриштира олади.

Жамиятда коррупцияга қарши муросасиз муҳит яратиш зарур. Агар коррупцияга нисбатан кузатувчанлик, бефарқлик, муросасозлик, томошабинлик давом этса, у ривожланаверади. Уни енгиш учун ҳар бир инсон, ташкилот, муассаса ва, умуман, фуқаролик жамияти институтлари ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан ва курашчан бўлиши лозим. Бугун жамиятимизда “коррупцияга қарши давлат курашади, менинг қўлимдан ҳеч нарса келмайди”, деган фикр устуворлиги коррупцияга нисбатан лоқайдлик, бефарқлик кайфиятини юзага келтирмоқда. Бу эса, мазкур иллатнинг хуфий фаолиятига шароит яратмоқда. Коррупция жамиятдан ташқарида эмас, балки унинг ичида ривожланади. Бинобарин, уни енгиш ҳар биримизга, жамият аъзоларининг курашувчанлигига, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти даражасига, маънавий савияси ва фуқаролик позициясига боғлиқ.

Шариф ҚОБИЛОВ,
ИИВ академияси профессори,
полковник



нинг ушбу фикрлари ҳар бир воқеа-ҳодисага одиллик ва ҳалоллик билан, қонун устуворлиги нуқтаи назаридан холисона ёндашиш, ҳақиқатни бош мезон деб билиш, шу йўлда беминнат хизмат қилиш раҳбарлар фаолиятининг асосини ташкил этиши зарурлигига ишоратидир.

Айтиш керакки, мамлакатимиз ҳудудлари инфратузилмаси масаласида узоқ йиллар мобайнида жиддий муаммолар тўпланиб қолган эди. Бунинг натижасида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси замон талабидан орқада қолиб кетди. Тоза ичимлик сув етишмаслиги, йўллар носозлиги, электр таъминотидаги узилишлар аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлар эди. Сўнгги йилларда бу борада катта ўзгаришларга бел боғланди, давлат дастурлари доирасида қатор лойиҳалар бажарилмоқда.

Мамлакатимизда мураккаб пандемия шароитига қарамай, “Обод қишлоқ”, “Ақлли қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Хавфсиз шаҳар”, “Ақлли шаҳар” концепцияларини амалга оширишга катта маблағ ажратилмоқда. Сифатли бино ва иншоотлар қуриш лойиҳалари нима учун жадаллашди? Сабаби,

коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга оширишнинг дастлабки босқичида капитал қурилиш ва таълим соҳалари танлангани бежиз эмас.

Коррупцияга қарши курашишда, аввало, таълим тизимига эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, “Инсон жамиятни ўзгартиради, таълим эса инсонни ўзгартиради” ғояси бўйича таълим тизими орқали жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мумкин. Умуман, таълим соҳасига талончилик, фирибгарлик сингари унсурларнинг аралашishi мудҳиш оқибатларга олиб келади. Бунга бугунги ҳаётимиздан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Дарҳақиқат, таълим соҳасидаги кор-



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги
Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг
бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг
“Жамият – ислохотлар ташаббускори”
Давлат ижтимоий буюртмаси асосида тайёрланди.

Шухрат акани илк бор 1998 йили, илмий мажлисда учратганман.

У пайтлар устозим Бегали Қосимов ташкил этган “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” кафедрасида ишлардим. Қўлимга “Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV-XIX асрларда яратилган форс манбалари” деб номланган докторлик диссертациясини тутқазиб, бир ҳафтадан кейин муҳокама бўлиши, ўқиб келишим лозимлигини айтишди. Ҳафта ўтиб, тахминан соат 15-00ларда барча кафедра аъзолари йиғилдик. Бегали Қосимов, Шариф Юсупов, Улугбек Долимов каби катта устозлар ҳам иш билан тўлиқ танишиб келишган. Муҳокама жиддий бўлиши олдиндан маълум эди...

Эндигина аспирантурани тугатиб, номзодлик диссертацияси ҳимоясига тайёрланиб юрган ёш тадқиқотчиман. Кафедрада муҳокама этиладиган ҳар бир иш мен учун ўта муҳим ва қизиқарли. Талабалгимдан Навоийга муҳаббатим кучли бўлганидан бу ишни “Кириш”идан бошлаб, “Адабиётлар рўйхати”гача ҳижжа-лаб ўқиб чиққанман. Бир неча саволлар ҳам туғилган. Имкон бўлса, диссертантга савол беришни ҳам дилимга тугиб қўйдим.

Диссертация муҳокамаси, адашмасам, уч соатча давом этди. Бирорта ортиқча гап-сўз, чўзилишлар, кимнингдир инжиқлиги ёки танқидий фикрларнинг кўпайиб кетганидан эмас, ишнинг янги ва қизиқарли мавзуда ёзилганидан. Аввало, савол-жавобнинг ўзи бир соатча вақтни олди. Диссертация муаллифига савол бермаган одам қолмади. Ўзим ҳам бир-иккита савол бердим. Иш долзарб бўлганидек, Навоий ҳаёти ва ижоди манбаларга доир янги гап эшитиш истагини ҳам уйғотар, кўп савол туғилишининг сабаби шу эди. Навқирон, ўзига ишонган, ёш тадқиқотчи (ўшанда Шухрат ака 37 ёшда эди) барча саволларга берган асосли, мантқан бутун жавоблари билан мажлисда қатнашаётганларда яхши таассурот қолдирди. Бегали Қосимов, Шариф Юсуповдек ўзбек адабиётшунослигининг йирик даргалари ушбу диссертация ҳақида ижобий фикр билдиришди.

Зотан, ёш тадқиқотчиларнинг бу олимлар томонидан ижобий фикр эшитиши ноёб ҳодиса ҳисобланар эди. Шахсан ўзим устоз Шариф Юсуповнинг илмий масалада ўта қаттиққўл эканига бир неча бор гувоҳ бўлганман. Илмий жиҳатдан бўш, ҳатто ўртаманга тадқиқот билан муҳокамага “ташир бу юрган” диссертантлар Шариф аканинг муқаррар эътирозига дуч келишарди. Бу масалада домла таниш-билиш, юз-хотир деган деган андишалардан юқори турарди. Бегали Қосимов домлани-ку айтмаса ҳам бўлади. Бу инсоннинг темир мантиғи олдида катта-катта адабиётшуносларнинг ҳам тиззаси букилиб кетганини ҳали-ҳамон зарбулмасал қилиб юришади.

Хуллас, Шухрат Сирожиддинов иши ҳақида кафедра аъзоларининг катта-ю кичиги гапирди. Жумладан, мен ҳам бир нарсалар дедим. Нима деганимни ҳозир эслолмайман. Аммо бу муҳокама мажлисидан кейин қолган бир туйғу ҳозиргача эсимдан чиққани йўқ. Бу ёш олимга нисбатан самимий ҳавас, айна пайтда, ички ҳурмат уйғонган.

Шухрат ака билан, у ЎЗМУга ректор сифатида келиб, бир ташкилотда ишлагунимизга қадар ҳам, илмий фаолият йўлларимиз кўп бор кесишган. 2000 йилнинг бошларида ЎЗМУ ҳузуридаги докторлик илмий даражасини олиш учун ихтисослашган кенгаш қотиби бўлиб ишлаганман. У пайтлар “Имом ал-Бухорий” халқаро жамғармаси бошқаруви раиси ўринбосари бўлиб юрган Ш.Сирожиддинов ҳам бу кенгашнинг аъзоси эди. Шу баҳона Шухрат ака билан тез-тез кўришиб қолардик. Сўхбатларимиз,

асосан, янги навоийшунослик, мумтоз адабиёт тадқиқининг назарий масалалари устида бўлган. Чунки Шухрат аканинг “Имом ал-Бухорий сабоқлари” журналида чоп этилган қатор мақолалари менда яхши таассурот қолдириши билан бирга, мумтоз адабиёт тадқиқининг янги қирралари акс этгани билан катта умид



уйғотган. Анъанавий навоийшуносликка нисбатан танқидий нуқтаи назарим, ботиний мақсадларимга мос келган. Ҳолбуки, у пайтлар ўзбек адабиётшунослигида “анъанавий” ёки “янги навоийшунослик” деган тушунчанинг ўзи йўқ эди. Бугун ҳам бу тушунчага қадар етиб келган ёки уни мардларча тан оладиган мутахассисни фақат кундузи чироқ ёқибгина топиш мумкин. Аммо, шуни қатъий тарзда таъкидлашни истардимки, миллий адабиётшунослигимизга хос янги навоийшунослик шабадаси XXI аср бошлариданоқ сезилган. Шухрат ака бу борада авангардлардан бири эди, десам ҳам гапим ёлғон бўлмайди.

Шу ўринда, мумтоз адабиётни ўрганишнинг янгиланаётган миллий концепцияси, хусусан, янги навоийшунослик нима дегани? Янги навоийшуносликнинг анъанавий навоийшуносликдан фарқи нимада, деган ҳақли савол туғилади.

Собиқ советлар даврида ўзбек мумтоз адабиёти тарихини ўрганишга муносиб ҳисса қўшган, бу йўналишда ўнлаб илмий-назарий тадқиқотлар ёзган, манбашунослик, матншунослик фаолиятини олиб борган, қатор адабий сиймолар биографияси ва ижодий меросини тизимли ўрганган Иззат Султон, Ҳамид Сулаймон, Азиз Қаюмов, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Суяма Ғаниева сингари қатор олимларимиз хизматларини юз фоиз эътироф этаман. Улар, шак-шубҳасиз, мумтоз адабиёт тадқиқотчилигининг XX асрга хос, академик мактабига тамал тошини қўйиб кетди. Жумладан, ҳазрат Навоий адабий меросининг оммалашуви, ўқув ва илмий жараён сатҳини эгаллаши ҳам шу олимлар фаолияти, машаққатли меҳнати билан боғлиқ. Улар ўз даврида мустамлака сиёсати имкон берган ҳамма ишни қилиб кетдилар. Ва ишонч билан айта оламанки, бу олимларни бутун умр ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш ва навоийшуносликка хос кемтиклар ҳақидаги ботиний армонлар тарк этмаган. Ишончим комил, давр имкон берса, лоақал умр вафо қилганида бу олимлар буткул бошқача ёзган бўлишарди. Шу маънода, уларнинг Ҳақ ва халқ олдида юзлари ёруғ. Уларни сира ҳам тарихий адабиётшунослик ёки навоийшуносликни сох-

талаштириш, догматиклаштиришда айблашга ҳаққимиз йўқ.

Бироқ ҳамма гап бизда, мустақиллик ўттиз йил имкон берган илм даъвогарларида. Устоз олимлар вазияти-ку маълум гап экан. Аммо бизнинг йўлимизни ким тўсди? Мумтоз адабиётимизни холис, чуқур, янги назарий концепциялар, мустақкам илмий тизим асосида ўрганишимизга ким тўсқинлик қилди? Нега шу пайтга қадар рус шарқшунослари бошлаб берган анъанавий навоийшунослик чизигидан чиқолмадик? На нашр ишларида, на тарихий адабиётшунослик методологиясида бирор янгилик қила олмадик?

Воқеан, мустақиллик арафасида тарихий адабиётшунослигимиз назаридан

четда қолган учта йирик муаммо кўндаланг турарди. Булар: а) ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари шахсияти, ижодий меросини соф тарихий асосда ўрганишнинг янги методологиясини шакллантириш, яъни мумтоз адабиётимизни ислом муҳити, маънавияти ва асл манбаларига кўра тадқиқ этиш; б) тарихий адабиётшуносликнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш; в) изчил, тизимли матншунослик ва матн назариясига оид мустақкам илмий комплексга асос солиш. Таассуфки, бугунга келиб ҳам айни муаммолардан лоақал биттаси ўзининг концептуал ечимини топган эмас. Қилган бор-йўқ илмий-амалий ишчимиз совет давридаги нашрларни лотин ёзувида қайта нашр этиш, турк, араб, форс замонавий адабиётшунослари фикрларини ўзбек мумтоз адабиёти ва Навоий ижодига тўғридан-тўғри татбиқ этиш, энг қизиғи, навоийшуносликда кўзга ташланаётган ҳар қандай янги фикр, янги тадқиқотлар йўлини тўсишга уришидан нарига ўтгани йўқ.

Жорий асрнинг илк йилларидан бошлаб, Навоий “Хамса”си, лирик ижоди, насрий ва илмий асарлари тадқиқига доир муайян янгиликлар кузатилгани эса бор гап. Филология фанлари доктори Сувон Мели Навоий “Хамса”сида муаллиф образи, газалларидаги глобал маъно, поэтик тафаккурига хос юксак фалсафа хусусида бир-икки тадқиқотлар эълон қилди. ЎЗРФА ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг собиқ илмий ходими, марҳум Аъзамхон Қозихўжаев буюк мутафаккир газалларини балоғат илми назариясига кўра тадқиқ этди. Теран ва оригинал назарий хулосаларини ўртага ташлади. Жиддий адабиётшунос Абдурасул Эшонбобоев Навоий матншунослиги муаммоларини дадил кўтарди. Филология фанлари доктори Дилнавоз Юсупова Навоийнинг аруз назариясига доир қарашларини қиёсий ўрганди. Филология фанлари номзоди Абдуҳамид

Юқорида сўз юритилган масалалар Шухрат Сирожиддинов фаолиятининг бир қисми, қолаверса, мен илган қирралари, холос. Зотан, бугун 60 ни қоралаган Шухрат ака ўта фаол, шижоатли ва серқирра шахсият соҳиби. Ўйлашимча, бу гайрати ичига сиғмайдиган инсоннинг амалга оширган ишларидан кўра, орзу қилган мақсадлари кўпроқ. Шу пайтгача яшаб ўтган ҳаёти ва шахсиятидан кўра орзулари улканроқ.

Қурбон Навоий “Хамса”сидаги сарлавҳа поэтикаси бўйича тадқиқот олиб борди. Сарлавҳанинг “Хамса” мазмуни билан изчил муносабатига доир асосли фикрларини илгари сурди. Аммо таассуфки буларнинг барчаси эътирофдан кўра истехзо ва танқид мевасини татишга лойиқ кўрилди. Порофессор Шухрат Сирожиддинов тадқиқотлари ҳам, ўз методологияси, илмий моҳиятига кўра, мана шундай ишлар қаторида туради. Янги навоийшуносликда илк мужда берган оригинал ишлардан ҳисобланади.

Шухрат Сирожиддинов илмий фаолияти бевосита Навоий ижодини ўрганишдан бошланган. У 1991 йилда “XIX аср Каттақўрғон шоирлари ижодида Алишер Навоий анъаналари” мавзусида номзодлик диссертациясини, 1998 йилда “Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV-XIX асрларда яратилган форс манбалари” мавзусидаги докторлик ишини ҳимоя қилган. Бундан ташқари, адабиёт тарихи, адабий манбашунослик ва матн назариясига доир қатор ишларининг бадиий-эстетик асосини ҳам Навоий ижоди ташкил этади.

Шухрат Сирожиддиновнинг навоийшуносликка қўшган бирламчи ва энг муҳим ҳиссаси манбашунослик ва матншунослик муаммолари билан боғлиқ. У ўнлаб хориж тилидаги манбаларни қиёсий ўрганиш асосида Навоийнинг умумшарқ мумтоз адабиётига тутган оламшумул мақомини янги илмий ракурсда кўрсатишга эришди. Иккинчидан, анъанавий навоийшуносликдан “мерос” қолган Навоий биографияси билан боғлиқ жиддий кемтикликларни тўлдирди. Бунда олимнинг Навоийга оид ва бевосита Навоийга тегишли манбаларни типологик асосда синчиклаб ўрганиши, матн назариясига кўра таҳлиллаши оригинал хулосаларга олиб келган. Учинчидан, Ш.Сирожиддиновнинг Навоий ва Шарқ-ислом фалсафасига доир қарашларини янги навоийшуносликка хос дастлабки уришилардан бири сифатида кўрсатиш мумкин.

Тўртинчидан, олим тадқиқотларида Навоий наинки адабий шахсият, айна пайтда ижтимоий, маиший, психофизиологик шахсият сифатида тақдим этилади. Бундай ёндашувнинг муҳимлиги шундаки, шу пайтга қадар ҳазрат Навоийни буюк мутафаккир, давлат ва жамият арбоби сифатидаги расмий портрет ўлароқ билган ўқувчи ёки тадқиқотчи, эндиликда унинг индивидуал фазилатлари, ботини билан танишади, буюк аждодини қалбан ҳис этади. Бешинчидан, Навоий ва адабий тасвир муаммоси ҳам бевосита Ш.Сирожиддинов тадқиқотларида ўзининг илмий-назарий талқинини топган. Бироқ олим Навоий шахсияти ва ижодини илмий тадқиқ этиш билангина чекланмаган. Унинг Навоий ижодини олий ўқув юртлири, умумий ўрта таълим йўналишларида ўқитишга доир илмий-методик ишлари ўзининг амалий салмоғи ва аҳамиятига эга.

Қолаверса, Навоий феномени моҳиятини замонавий Шарқ ва Ғарб дунёсига таништириш йўлида ҳам Ш.Сирожиддинов илмий-амалий фаолиятининг ўзига хос ўрни бор.

Узоқ ЖўРАҚУЛОВ,
адабиётшунос

Университетда биздан уч курс кейин ўқиган Шуҳрат билан бир тумандан бўлганимиз учун ака-укадек бўлиб қолганмиз. Талабалик вақтида ҳам, ундан кейин ҳам тез-тез кўришиб, суҳбатлашиб турардик. Кўнглини очиб гапирарди.

Отаси эрта вафот этгани учун онаси, ака-опалари тарбиясини олиб катта бўлган, уларнинг қўллаб-қувватлаши ва ёрдами билан олий ўқув юртида контракт асосида ўқиди. Бироз юпун кийинса ҳам, кўп ҳолларда тушлик қилмаса ҳам дарсларга ўз вақтида келишга, фанларни яхши ўзлаштиришга ҳаракат қиларди.



“АМЕРИКАДА ҚОЛМОҚЧИ” ЭМАСМАН!

Баъзида айрим ўқитувчиларнинг баҳо кўйиш учун таъма қилганини айтиб, жаҳли чиқар, “домла бўлсам, талабалардан бир сўм ҳам пул олмайман, фақат уларни ўқишга даъват қиламан” дерди. Ана шу ҳақиқатпарварлиги, тўғрисиўзлиги айрим ўқитувчиларга ёқмас, улар билан ҳам тез-тез тортишиб қоларди. Балки шунинг учундир ёки омади чопмадими, магистратурада ўқиш нияти ушалмай қолди.

Кейин шаҳарда ижарада яшаб, коллежларнинг бирида ўқитувчилик қилди. Уйланганидан сўнг бу юриши ҳам кўплик қилди. Ноилож қишлоғига қайтиб, мактабга ишга кирди. Шу билан Шуҳратнинг “университетда домла бўлиш” орзуси орзулигача қолди. Оила, уй-рўзгор ташвишлари билан бўлиб шаҳарга кам келадиган бўлди.

Етти-саккиз йил олдин бир куни хурсанд бўлиб кўнғироқ қилди:

— Ака, табрикланг! “Грен карт” ўйнаганим, ютибман. Америкага кетаман...

Кейин Америкага кетишидан олдин яна кўришдик. У жуда хурсанд эди. Хотини, икки яшар ўғилчаси ҳам Шуҳрат билан бирга кетаётганди.

— Онам бироз хафа бўлдилар-у, лекин нима қилай ака, бу ерда озгина ойлик билан на рўзгорни удалайман, на уй-жой қура оламан, — деганди у. — Акам ўзи ўқимаса ҳам онамнинг ёнига кириб ишлаб мени ва сингилларимни ўқитди. Уйлантирди, сингилларимни узатди. Энди унга отамнинг уйдан чиқиб кетинг, деб айтолмайманку. Онам ҳам акамнинг оиласига ўрганиб қолган, бирга яшашади. Бу ерда юрсам, уй-жой қилишимга кўзим етмайди. Америкага бориб жойлашиб олай, иложи бўлса, ўша ерларда қолиб кетаман. Яшаш учун қаер қулай бўлса, ўша ер Ватан-да...

Ўшанда Шуҳратнинг гапларидан ҳайрон бўлиб, унинг бу қадар ўзгаргани, ёш бўлса-да ҳаёт ташвишлари кичик жуссасини эгиб кўйганига ишонгим келмаганди.

У шу кетганича олти йил уйига келмади. Ўша ерда муқим ишга жойлашиб олди, уй-жой қилди, машина олди, хуллас яхши ҳаёт кечириш учун нимаики зарур бўлса, барчасига эришди. Акасига ёрдам берди, лекин ўзи қишлоқда уй-жой қилишни ёки шаҳарда квартирасотиб олишни ўйламади.

Баъзида суҳбатлашиб қолганимизда,

“ростдан ҳам Америкада қолсан, шекилли, бу ерда уй-жой қилишни ўйламайсан” десам, кулиб “Иккита болам Америкада туғилган, шу америкаликларнинг отаси деб мени ҳам чиқариб юборишмас, шу ерда яшаб турайликчи” дерди ва гап ўзанини бошқа томонга буришга ҳаракат қиларди.

Ўтган йил онасининг аҳволи оғирлашгач, Шуҳратни чақирди. Ҳар тугул онасидан рози-ризалик сўрашга, унинг васиятини эшитишга улгурди. Маърака-маросимлар, қариндош-уруғ билан кўришиб бир ой қирқ кунлар шу ерда қолди. Кейин яна оиласи билан океан ортига жўнаб кетди.

Кетиши олдиндан кўришганимизда “Мана болаларинг ҳам катта бўляпти, озми-кўпми маблағ тўплагандирсан, энди қишлоқда уй-жой қилиб қўйсанг бўлармиди, барибир бир кун келасан шу ерга” дедим. У эса ердан кўзини узмай “Билмадим, ака, билмадим. Ака-опаларим ҳам шундай дейишяпти. Лекин болаларим ўша ерга ўрганиб қолишган” деганди.

Шундан кейин у билан бир неча ой гаплашмадик. Бир-икки марта интернетда ёзишган бўлсак-да, суҳбатимиз шунчаки салом-алик, ҳол-аҳвол сўрашиш билан чекланди.

Яқинда электрон почтама Шуҳратдан хат келди. Унда шундай ёзилган эди:

“Ака, анчадан буён кўнглимда туғилган бу гапларни сизга айта олмадим. Нафақат сизга, бошқаларга ҳам айтишга ўзимда куч тополмадим. Шунинг учун ёзишга қарор қилдим.

Аслида, бу гаплар ўтган йил қишлоққа борганимда дилимда туғила бошлаган, аммо негадир бундан олгим келмас, шунинг учун ҳеч кимга айтмагандим.

Онам раҳматли билан сўнгги суҳбатимизда у киши “болам, ўша юртларда қолиб кетмагин, тагин. Сенинг илдининг шу ерда, мен, отанг, ака-опаларинг, сингилларинг шу ерда, инсон ўз илдинидан узилиб кетолмайди” деган эдилар.

Бу гапларни онажоним иккинчи ўғлим туғилганда Америкага келганларида ҳам айтган эди. Менга ва хотинимга қараб “бу бола Америкада туғилди, энди шу ернинг одами бўлиб ўсади, деб ўйламанлар. Азизбегимнинг томирида сенларнинг, ота-боболарининг қони оқмоқда, у ўзбек, барибир аждодларига

тортади”, дегани ҳамон ёдимда. Ўшанда бу гапларга унчалик эътибор қилмаган бўлсам-да онажоним билан видолашаётганимда айтган сўзлари ҳамон қулоқларим остида жаранглаб туради.

Тагин ўша кунларнинг бирида катта ўғлим айтган гап ҳалигача ич-этимни ейди. Бир ойлар қишлоқда қолиб кетганимиздан кейин бир куни кечқурун ўғлим “Дада, бу ерда зерикиб кетдим. Қачон уйимизга кетамиз? Тезроқ кетайлик” деди.

Киндик қони шу уйда тўкилган, шу ерда дунёга келган ўғлим ўз уйини бегона деб билиб, ўзга юртни уйим дейпти. Менинг уйимда ўзини бегона ҳис қиляпти.

Ана шу гаплар жон томиримдан ўтиб кетди. Ҳозир-ку булар ёш, ҳаётни англамаслиги мумкин. Лекин шу дунёқараш билан улғайса, эртага у қа-

ерни Ватан деб билади, қаер у учун ўз уйи бўлади?

Ўзбекистонга бориб келганимдан буён шунини ўйлайман. Шундай кейин болаларимга ўзимнинг болалигим, ота-онам, ака-опаларим, оиламиз ҳақида кўпроқ гапирадиган бўлдим. Қишлоғимиз одамларининг, қариндош-уруғимизнинг бир-бирига меҳр-муҳаббати ҳақида сўзлайдиган бўлдим. Болаларимнинг бекаму кўст улғайиши, яхши ҳаёт кечириши учун кўпроқ пул топишни ўйлабману уларнинг кимлигини, кимларнинг авлоди эканлигини айтишни ўйлабман. Яна бироз эътиборсиз бўлсам, уларни ўзликдан айриб қўяр эканман, ўзим кимлигимни унутарканман.

Ака, мен Америкага келганимдан хурсандман!

Йўқса, онамнинг гаплари, ўғлимнинг сўзлари маънисини англамасдим. Қишлоғимиз одамларининг чўнтагида пули бўлмаса-да меҳмон учун ҳамма вақт ёшиги очиқлиги, кўни-қўшинининг яхши-ёмон қунигида ёнингда туриши, бошинга мусибат тушса қариндош-уруғинг елкадош бўлиши қанчалик юксак туйғу эканлигини ҳис қилмасдим...

Бироз жамғарган пулим бор эди. Акамга жўнатдим. Қишлоқдан уй-жой қиламан. Келаси йил ёзда болаларим билан бориб, ҳовлида боғ қиламан. Болаларим билан ният қилиб дарахт экамиз.

Режам бор эди, шу ерда тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи эдим. Энди мақсадларим ўзгарди. Бизнесни ўзимизда, қишлоғимизда қиламан. Жиянларимни, қишлоқдошларимни ёнимга олиб, тадбиркорликни ўргатаман. Ишим бўлса, пулим бўлса, ўша ерда ҳам ўзим истагандек яшашим мумкинлигини энди тушундим.

Ака, мен Америкада қолиб кетмоқчи эмасман, Ўзбекистонга, ўз уйимга қайтаман. Қайтганда ҳам Ватанимга фойдам тегадиган инсон бўлиб қайтаман!”

Хатни ўқигач кўнглим ёришди, бир неча йиллар олдин танишган, ўша самимий, очиқ кўнгли Шуҳратни топгандек бўлдим.

Ғолиб ҲАСАНОВ

Тагин ўша кунларнинг бирида катта ўғлим айтган гап ҳалигача ич-этимни ейди. Бир ойлар қишлоқда қолиб кетганимиздан кейин бир куни кечқурун ўғлим “Дада, бу ерда зерикиб кетдим. Қачон уйимизга кетамиз? Тезроқ кетайлик” деди.



Хаётингизда ижтимоий муаммоларга дуч келиб, уларни ҳал қилиш учун бирор ечим топишга ҳаракат қилганмисиз? Бу ҳамма билан содир бўлади. Ахир ҳукумат жамиятда вужудга келаётган ижтимоий муаммоларни яқка ўзи бартараф этишга қодир эмас. Бундай муаммоларни, албатта, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ёрдами билан ҳал этса бўлади.

Фуқаролик жамиятини асосан жамиятдаги манфаатлар ва барқарорлик мувозанатини таъминлайдиган ва сақлайдиган нодавлат ташкилотларнинг ривожланган тузилмасисиз тасаввур қилиш мумкин эмас, давлат ва жамият барқарор ривожланишининг зарурий шартидир. Бу масалага Ўзбекистонда ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган кенг қўламли чора-тадбирлар мазкур соҳа ривожига катта эътибор берилётганини исботидир.

Шубҳасиз, улар бугунги кунда давлат органлари билан бир қаторда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва таълимга эришиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда муҳим ўрин эгалламоқда. Йилдан йилга уларнинг аҳамияти жамиятимизда ўсиб бормоқда.

Президентимизнинг "Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳамда «2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони нодавлат нотижорат ташкилотларига, фуқаролик жамияти институтларига катта масъулият юкляди.

Мустақиллик йилларида уларнинг сони 30 баробардан ошгани тасодиф эмас. Агар биз фуқаролик жамияти институтлари сонининг статистикасига назар ташлайдиган бўлсак, мустақилликнинг дастлабки йилларида 300 га яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари бўлган ва 2015 йилга келиб уларнинг сони 8 мингдан ошган. Бугунги кунга келиб Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган

фуқаролик жамияти институтлари сони 9 мингдан ошди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи, уларнинг умумий манфаатларини ифодаловчи ЎЗННТМА 2005 йилда мамлакатимизда фаолият юритувчи етакчи фуқаролик институтлари ташаббуси билан 150 та ташкил топган. Бугунги кунда ЎЗННТМанинг 800 дан ортиқ

ННТлар жамият таракқиётининг ҳозирги босқичида

ННТлар аъзо бўлиб, улар давлат ва жамият қурилишининг устувор масалаларини амалга ошириш, эркин ва очиқ, кучли фуқаролик жамиятини қуриш, жамият ҳаётини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш мақсадида фаолият олиб бормоқда.

ННТлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун қонунчилик асослари, ҳукумат ва парламент сиёсати ёрдам берди. Фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, уларни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мамлакатда кечаётган демократик ўзгаришлар муаммоларини ҳал этишга кенг жалб этиш, вакилларининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари парламент

фаолиятида энг муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган.

Таъкидлаш керакки, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси бу борда тизимли ишларни амалга оширмоқда. Натижада, фуқаролик жамияти институтлари билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни кенгайтиришга замин яратди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари, жумладан, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли

клублар ташкил этган, у ерда кўн-гиллилар раҳбарлигида турли учрашувлар, тикувчилик ва бошқа ҳунармандчилик бўйича машғулотлар, инглиз тилида сўзлашув дарслари ўтказилмоқда. Марказ томонидан бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда ногиронлар учун янги иш ўринлари яратиш ва уларни иш билан таъминлашга катта эътибор қаратилаётгани аҳамиятли.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз "Ёшлар ва талабалар" форумида иштирок этиб, Microsoft компанияси ва "Digital Generation Uzbekistan" ҳамкорлигида «Hour of Code» нодавлат нотижорат ташкилоти лойиҳаси тақдимотида, "Рақамли авлод" ўқув дастурини, дастурий таъминот ва робототехника техникасини янада такомиллаштириш ва кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Бугунги кунда, "Digital Generation Uzbekistan" нодавлат нотижорат ташкилоти шиддат билан ривожланиб келаётган ташкилот бўлиб иқтидорли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятларини рўёбга чиқариши учун шароит яратиш, ёш авлоднинг ҳуқуқлари, қонуний манфаати ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш, қизларнинг маънавий ва касбий маданияти ва ижодий салоҳиятини амалга оширишда ёрдам берилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда нотижорат секторнинг жадал фаолияти аҳолининг таълим ва соғлиқни сақлаш кўрсаткичларини яхшилашга, иқтисодий ривожланиш суръатларини оширишга, сиёсий ва ижтимоий барқарорликка эришишга ёрдам беради.

**З. АБДУЛЛАЕВА,
И. ХУДАЙБЕРГЕНОВ,
ЎЗННТМА
бош мутахассислари**

Мушоҳада

Аниқ эсимда, ўшанда куз эди... Сарғайган барглари кимнингдир хаста юрагининг нухаси гўё...

Ҳикоямни ушбу фикр ила бошлайман: "Кимлардир 18 ёшга кирмасдан қалби ярим. Кимлардир 80 ёшга кирса ҳамки, ёш, навқирон. Инсон қалбини ва ташқи кўринишини вақт ўзгартира олмайди. Вақт бу — одамлар яратган туншунча"

Эрта тонг. Ҳадича бир нималар ҳақида ўй сурганча фикрлари чалкашиб кетгани учунми уйдаги охириги тухумни қовураётгани эсидан чиқиб, ҳовлиқиб ошхонага кирди. Газни ўчириб уйга кирди-да ўғли Баҳодирни уйғотди. "Турақол, болам чойингни ичиб ол". Негадир Баҳодир ҳамма болалар сингари эркаланиб ўтирмай дарров турди. Чойини ичди. Бечора Ҳадича эндигина қуруқ нонини сувга ботирган ҳам эдики, "сув,сув" деган бўғиқ овоздан сесканиб нариги уйга чопди. Баҳодир билади: дадаси ҳар кунгидек ичиб келган. Ҳозир дадасига кўринишининг вақти эмас.

Дарров кийиниб, мактабга жўнаш керак.

Синфдошларининг олдида боши эгик Баҳодир мактабда ҳам ҳеч кимга кўшилмайди. Нима қилсин, эндигина гап бошлайман деб оғиз жуфтлаганида болалар уни мазақ қилади. Отаси ичкиликка ружу қўйгани юзига солишади.

Бир куни Баҳодир мактабдан қайтаётса, йўлда бир девор тагида кийимлари қумга беланган, ароқ шишасини қучганча отаси ухлаб ётарди. Югуриб бориб отасининг бошини силаганча:

— Ота турунги уйга кетамиз, турақолинг, - дея кўзига ёш олди.

Уларни кузатиб турган бошқа дўстлари эса ёшлагига борибми "Уни қаранг отаси ким-у боласи ким бўларди?", деб кулиб ўтиб кетишди..

Отасини қўлидан қаттиқ тортаверди. Шунда маст ота ўзига келиб,



"нима қиялсан баччағар" дея ўғлини бир шапалоқ туширди. Баҳодир уялганидан, йиғлаб уйига югуриб борди. Ва онасига "Ойи ҳамма устимдан кулади. Дўстларим олдида бошим эгик. Отамга мени борлигим-у йўқлигим билинмайди. Бундай мураккаб ҳаётга оёғим қадам қўйишдан эмас, қалбим чарчади!" деб йиғларди.

зир агроном... Бу кунларни унинг на отаси, на онаси кўрди. Шўрлик онада эса айб йўқ эди.

Ўғлининг ўқиб, шуҳрат топганини эса ота панжара ортидан эшитган бўлса, ажаб эмас...

**Умида СОБИРОВА,
Ромитан туманидаги 23-ИДУМ
ўқувчиси**

**ҚИСҚА
САТРЛАРДА
ЎҚИҢГ!**

Давлат хизматлари кўрсатилишида тўловлар бўйича имтиёзга эга шахсларни реал вақт режимида аниқлаш тизими жорий этилади.

ДАҲЗАЛАР

“Бадиий адабиёт аслан ҳаёт манзараларининг ҳар хиллигини турфа йўсинда кўрсатишга йўналтирилган санъат туридир. Чинакам адабиёт хилма-хил услубда битилган асарлардан иборат бўлади”, адабиётшунос устозимиз Қозоқбой Йўлдошев.

Ҳақиқатан ҳам, ҳаёт манзараларининг ҳар хиллиги турфа йўсинда кўрсатилган асарлар ҳамини ўқирман эътиборида бўлиб келган. Яқинда “Тошкент ҳақиқати” газетаси бош муҳаррири, “Шухрат” медали соҳиби, журналист **Ғайрат Шералиев**нинг “Дақиқ дақиқалар” номли китоби дунё юзини кўрди. Қисқа вақт ичида ўқирманлар орасида қўлма-қўл бўлди. Сўзимиз аввалида келтирган таърифларимиз ҳам айнан ушбу китоб хусусида эди.

Биламизки, завқ билан ёзилмаган асар шавқ билан ўқилмайди. Чунки ўқирманнинг асарни ўзгача меҳр ва қунт билан ўқиши яратиқнинг қимматини белгилайдиган ягона кўрсаткичдир. Аслида, муҳими асарнинг берилиб ўқилишида ҳам эмас, адабиёт ихлосмандларининг тафаккур ва кўнгил оламида инқилоб ясай олишида.

Кўнғилдан чиқмаган хулоса кўнғилга етиб бормади, дейишади. **Ғайрат Шералиев**нинг публицистик қайд ва ҳикояларидаги хулосалар ҳам кўнғилдан чиққани учун ўқирман кўнғилгача етиб боради. Шунингдек, ёзувчи руҳий ҳолатни чизишда ўқувчини ортиқча уринтирмасликка уринади. Ҳаётнинг ҳикоялари эса ўқувчига ақл ўргатмайди. Асар тасвири кўпроқ маънавий-ахлоқий сабоқ чиқаришга ёвуқ. Лекин ҳолис тасвир услубига мойил ёзувчи буни ўқувчининг ихтиёрига қолдирган.

Бугунги ўқувчиларнинг кўпчилиги бадиий асарга ибрат ёки намуна сифатида қарамайди. У ёзувчи битигидан ўзиникига ўхшаш руҳият, ўзиникига ўхшаш кўнғил ҳолатлари тасвирини излайди. Ушбу тўпلامдан ўрин олган ҳикояларга тасвир қуюқлиги, кучли образлилик, одатдаги сўзларга таъомила янги маъно юклаш хос бўлса, кўплай ҳикоялар ёзувчи кундалигида қайд этилгани билан аҳамиятлидир.

Ғайрат Шералиев кўнғил хуши учун ўқийдиган ўқирманлардан эмас. Кўп ўқийди, танлаб ўқийди, ўқиганлари хусусида жиддий ўйлайди, улардан маъно топишга, қандайдир хулосалар чиқаришга, нималарнидир ўзига олишга уринади. Бадиий адабиётни инсон ҳаётига эзу мазмун берадиган ва уни гўзаллаштирадиган энг қудратли восита деб билади. **Ғайрат Шералиев**га танлаган йўлида собитлик тилаймиз!

“Дақиқ дақиқалар” китобидан ушбу ҳикояни мутолаа учун ҳавола этмоқдамиз.

Жавондаги “жавоҳир”ларим

Меҳнат таътилига чиқиб, биринчи кундан уйқуни ураман, деган эдим, бўлмади. Келиннингиз тонг саҳарлаб “кўрпамни тортиди”.

— Адажониси, туринг, сизни буюк ишлар кутмоқда.

Тонгги уйқу минг ширин бўлмасин, хотинбойнинг “чорлов мусиқаси”дан кейин кўзга уйқу инармиди? Наридан-бери нонушта қилдим тўрвахалтани олдим. Жуфти ҳалолимиз тузиб берган режага мувофиқ, дастлаб туман газ таъминоти идорасининг эшигини қоқишим лозим. Ҳисобдонимиз жорий кўриқдан ўтмаган экан — назоратчилар кунда остонамизни тўзгитавериб, аёлимизни тоза безор қилишган кўринади. Ҳарқалай, хотинбой бу масалани кун тартибига биринчи рақам билан ёзибди.

Газ идорасида ит эгасини, мушук божасини танимади. Ҳамма ёқ одам! Қадам босгани жой йўқ. Навбатга туриб, бунақасини кўрмагандим. “Кўйлиқ”даги “газза-правка” ҳам ҳолва! Тўполон! Ҳамма ёқни эри таътилга чиқмаган хонимлару ҳисобдони “стандарт”ларга тўғри келмай қолган биз каби шўрпешоналарнинг асабий бақир-чақири тутиб кетган.

Ҳартугул, пешинга яқин навбатимиз келди. Назоратчи йигитнинг тили ширин, қўли гул экан, дарров мушкулумизни осон қилди.

— Саксон беш минг тўлайсиз, — деди ниҳоят иш битгач. Кейин синиққина кў-

шиб кўйди. — Китоб билан бирга.

Охирги гапини тушунмай анграйганимни кўриб, дарров изоҳ берди.

— Акахон, бошлигимизнинг китоблари чиққан. Хизмат билан келган сизга ўхшаган зиёли окахонларга битта-битта илина-япмиз. Айбга буюрмайсиз...

Газчи йигитнинг хушомадидан бошим кўкка етиб, ноилож китобни қўлтиққа ур-дим. “Бошда қор, қалба баҳор” деб номланган китоб нақ оштахтадек келади. “Ин-женер-шоир” акаминг оғизларига сиққанча алжирабдилар-ей! Мавзу ҳам, жанр ҳам ранго-ранг. Шеърданам бор, қиссаданам.

Китоб муқаддимасида “Муаллифдан” деган жойи бор экан. Бир ерини ўқиб, қотиб қолдим. Акаминг ёзадилар: “Баъзан таниш-билиш, қуда-андаларимиз камтарона ижодимизга катта баҳо бериб, “шеърларингиз дуруст, лекин бизга кўпроқ қиссангиз ёқади”, дея лутф қилишади. Шу боис, талаб-истакларга биноан бундан бир неча йиллар аввал ёзилган “Муштипар” номли қиссамизни ҳам тўпламга киритдик. Дарвоқе, ушбу қиссамиз беш фарзандни отасиз оқ ювиб, оқ тараган қайнсинглим Норпошшахон, ҳамда беш боласидан тирик айрилган божам Кутпиллога бағишлайман...”

Газлаштириш идорасида ишим осон битганидан қувониб, автомобиль назорати бўлимига қараб чопдим. Уч ҳафта илгари ҳайдовчилик гувоҳномамизни “бериб

ТОТИ



Ғайрат ШЕРАЛИЕВ
1984 йил 19 январда Қўнғил туманининг Дўрмон қишлоғида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини таълим олган. “Тошкент ҳақиқати”, “Халқ сўзи” газеталари таҳриратларида, Тошкент вилояти ҳокимлигида турли вазифаларда хизмат қилган.
“Йилнинг энг фавол журналисти” (2007) ташлови соҳиби. 2020 йилда “Шухрат” медали билан тақдирланган. Айни пайтда “Тошкент ҳақиқати” ва “Ташкентская правда” газеталари бош муҳаррири.



кўйганмиз”. Иссиғида шунинг ҳам жаримасидан қутула қолай, деган ўйда маъмурий бўлинмага учрадим. Бўлинма нозири баракка топсин, тўлов қоғозини ўзи тўлдириб берди. Сейфдан гувоҳномамизни бир зумда топиб, столига ташлади-да, тайинлади.

— Ўттиз иккинчи хонага учраб келинг, кейин оласиз гувоҳномамизни.

Ўттиз иккинчи хонадан ҳам... китоб билан қайтдик. Яна йигирма етти мингнинг баҳридан ўтишга тўғри келди. Энди қишбекорчиликда хотинбой билан оёқни сандалга тикволиб, “100 да юрма, 100 га кир” деган ҳикоялар тўпلامي мазза қилиб ўқийдиган бўлдик.

Кўчага чиқишим билан қўл телефонимнинг “жағи очилди”: — Адажониси, ҳаммомнинг қувуридан сув оқаётди. Коммунал фойдаланиш идорасига учраб келмасангиз, иш чатоқ...

Хотинбойнинг гапи — гап.

Идоранинг икки чилангари ҳам чақирувда экан, бирор соат кутишга тўғри келди.

— Ака, сиз манзинингизни қолдириб кетаверинг, — деб маслаҳат берди ёшгина котиба қиз. — Усталаримиз келиши билан мен ўзим жўнатиб юбораман.

Тилингга шакар-а! “Сизга нима ёрдим керак?” дейдиганлар ҳалиям боракан-а, вей!

Аммо, маҳмадона қизнинг илтифотида гап бор экан, билмабман.

— Ҳаким Халтаевичнинг китобларидан бир дона сотиб олсангиз, бўлди. Ишим битди, деяверинг.

— Кимнинг, кимнинг? — бунисига ростмана энсам қотди энди.

Қиз шундай инсонни танимайсизми, дегандек қошини чимирди.

— Ҳаким Халтаевич бошлигимиз бўладилар. Каттақон шоирлар-ку, билмайсизми? Яқинда “Қиш ўчоғи тор, сен уйингга бор” деган бешинчи китоблари чиққан. “Пайшанбани севаман, пайшанбани” деган шеърлари роса зўр, ўқиб берайми?!

— Раҳмат, шошиб турувдим, — деб гапни қисқа қилдим.

Шундай қилиб, шахсий кутубхонамиздан чилангларлар шоирининг китобига ҳам жой ажратадиган бўлдик.

Меҳнат таътилининг биринчи куни чакки ўтмади. Нима дедингиз?

Кечки овқатдан сўнг болишни ўмровга тортиб, хотинбой билан эртанги кун учун режа туза бошладик. Унга кўра эртага эрталабдан пойабзал таъмирлаш устахонасига, ахлат ташиш идорасига, уйда гўшт қолмаган экан — қассобхонага ҳам ўтишимиз керак.

Чўнтакни бақувватроқ қилиб чиқмасак, бўлмас-ов. Ҳойнаҳой, эртага китоб жавонимиз “Йиртиқ қалиш фожиаси”, “Ахлатдай хор бўлганлар” ва “Сўқимнинг ҳасрати” деган янгидан-янги “жавоҳир”лар билан бойиса керак.



Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир ҳайъати:

Адҳам Бекмуродов
Акмал Саидов
Ақтам Ҳайитов
Нарзулло Обломуродов
Адҳам Икромов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонасида чоп этилди.

Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма рақами Г-508
Адади: 2016.

Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Дилбар Маҳмудова

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@mail.uz

Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
ЎЗА якуни:

Топширилган вақти: 17:05
1 2 3 4 5 6

ҚИСКА
САТРАЛДАРДА
ЎҚИҲ!

Фуқароларга ID-карта ва хорижга чиқиш биометрик паспортини бериш ДХМ орқали ҳам амалга оширилади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ДОИМО НАЗОРАТДА



Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини барқарор таъминлаш, аҳолига сифатли ва хавфсиз бирламчи маҳсулотлар етказиб бериш борасида қатор тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада самарадорликни ошириш, тармоқни янада ривожлантириш бўйича салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Жумладан, ҳудудларда жойлашган барча деҳқон бозорларида бирламчи маҳсулотлар сифати қатъий назоратга олиниб, мунтазам равишда ветеринария лабораториялари текширувларидан ўтказилмоқда.

Айни пайтда барча ҳудудларда бўлгани

каби Андижон вилоятининг туман ва шаҳарларидаги деҳқон бозорларида ҳам ветеринария-санитария экспертиза лабораториялари фаолияти йўлга қўйилган.

Ўтган бир ҳафта мобайнида ҳудуддаги деҳқон бозорларига келтирилган 119334 кг йирик шохли мол гўшти, 16977 кг майда шохли мол гўшти, 29157 кг парранда гўшти, 569161 дона тухум, 1870 кг асал, 16751 кг сут ва сут маҳсулотлари, 726012 кг ўсимликка мансуб маҳсулотлар ҳамда 643356 кг полиз экинлари маҳсулотлари ветеринария кўригидан ўтказилди.

Шунингдек, текширувлар давомида 100 кг чорвачилик маҳсулотлари, 39 дона тухум, 179 кг сут ва сут маҳсулотлари ҳамда 295 кг ўсимликка мансуб маҳсулотлар истеъмолга яроқсиз деб топилиб, белгиланган тартибда зарарсизлантирилди.




ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ ФАРҒОНА ТУМАНИДА СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Тумандаги “Волида” чорвачилик фермер хўжалигида ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассислари, фермер хўжалиги раҳбар-ҳодимлари ва тадбиркорлар иштирок этди.

Семинарда қорамолларни озиклантириш, бузоқларни парваришлаш жараёнлари, селоз ва сенаж тайёрлаш технологияси хусусида сўз юритилди.

Шунингдек, тадбир давомида гидропоника усулида чорва озукаси етиштиришнинг муҳим жиҳатлари борасида атрофлича тушунчалар берилди.



ҚЎМИТА РАИСИ БАЛИҚЧИЛИК ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН НАСЛЧИЛИК ЙЎНАЛИШИДАГИ БАЛИҚЧИЛИК КЛАСТЕРИ БИЛАН ТАНИШДИ

Қўми­та раиси Баҳром Норқобилов Тошкент вилояти Янгийўл тумани “Қўш-Ёғоч” МФЙ ҳудудида жойлашган балиқчилик



илмий-тадқиқот институти базасида давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган балиқчиликда наслчилик кластери фаолияти билан танишди.

Мазкур кластер балиқчилик соҳасига инновацион ғоялар, илмий ишланмалар, замонавий технологиялар ва илм-фан ют-цқларини кенг қўламда жорий қилиш, ҳудудлардаги балиқчилик хўжаликларига юқори маҳсулдор балиқ чавоқлари етказиб бериш ҳажмини ошириш ҳамда республикада илмий асосланган селекция-наслчилик ишларини самарали ташкил этиш мақсадида ташкил этилган бўлиб, йил якунига қадар 100 нафар кишини, биринчи навбатда Янгийўл туманида “Темир дафтар” га киритилган фуқароларни иш билан таъминлаш белгиланган.

Шунингдек, лойиҳани амалга ошириш натижасида, илмий-тадқиқот институтида ихтиопатология, балиқлар селекцияси ва наслчилик иши, балиқлар озукасини таҳлил қиладиган замонавий лабораториялар ташкил этиш ҳамда институт моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва натижаларини амалиётга тадбиқ этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш назарда тутилган.



Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Ахборот хизмати

“АМКОДОР” бошқарув холдинг компанияси очиқ акциядорлик жамияти директорлар кенгаши Республика олий таълим кенгаши раиси, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ўктам Пардаевич УМУРЗОҚОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.